

ГАЗДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!
ТАБИЙ ВА ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА
ЗАҲАРЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ТИББІЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

А.Атаджанов

Қарақалпоғистон Республикаси ФВБ инспектори майор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18711024>

Кейинги вақтларда республикамизда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар кўплаб содир бўлмоқда. Табиий газ плитаси қаровсиз қолганлиги, печка мўрисининг тўлиши, сув иситиш колонкасининг қаровсиз қолдирилганлиги, ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар натижасида бир қанча фуқаролар ҳаётдан кўз юмганлар.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар содир бўлишида фуқароларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликлари ва қоидаларни билмасликлари, эҳтиёткорлик чораларини кўрмасликлари сабаб бўлмоқда.

Қишнинг совуқ кунларида фуқаролар уйларини иситиш мақсадида печкалардан, газ ёки турли хилдаги ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишади.

Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқ бўлгани бу табиий газ ҳисобланади. Табиий газнинг турли сабаблар билан хона ичига тўпланиши оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлади ҳамда бунинг натижасида инсон турли тан жароҳатлари олиши ёки ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда.

Ис гази – хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида пайдо бўладиган газдир. Ис гази инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис гази нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий нерв системасини зарарлайди.

Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводаги концентрациясига ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Енгил даражадаги заҳарланишда бош қаттиқ оғрийди, айланади, кулоқлар шанғиллайди, кўнгил айнийди, баъзан қусиш ва ҳушдан кетиш кузатилади.

Ўртача даражада заҳарланишда мушаклар кучсизланади, нафас сиқилади, пульс тезлашади, артериал қон босими пасаяди, кўнгил айнийди, ақл хиралашади, баъзан одам уйқучан бўлади. Юзида қирмизи доғлар пайдо бўлади.

Оғир даражада заҳарланишда одам батамом ҳушидан кетади. Оёқлари кўкариб ёки оқариб, юзида қирмизи доғлар пайдо бўлади. Пульс тезлашади, артериал қон босими кескин пасаяди, нафас олиш секинлашади ва чуқурлашади, мушаклар бўшашади, нафас тўхтади ва одам ўлади.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун аввало заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур иссиқ пайтларда уни ҳавога олиб чиққан яхши юзаки нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас олдира бошлаш лозим.

Бу тадбир бемор мустақил нафас олгунга қадар ёки биологик ўлим аломатлари пайдо бўлгунгача давом эттирилади. Баданни ишқалаш оёқларга грелка қўйиш қисқа вақт нашатир спирти буғларини ҳидлатиш заҳарланиш оқибатларини тугатишга имкон беради.

Заҳарланиб қолган кишилар госпитализация қилиниши керак чунки бирмунча кейинроқ ўпка ва асаб тизимида оғир асоратлар вужудга келиши мумкин. Касалхонадан чиққандан сўнг беморлар терапевт ва невропатолог кузатувида бўлиши шарт.

Агар бемор хушида бўлса тананинг юқори қисми қисиб турувчи кийимлардан бўшатилади иссиқ чой ва қаҳва ичирилади

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли томонидан хонадонга печка ўрнатилаётган пайтда унинг яхши ва соз ҳолатда уланиши газ жўмраклари газ плитаси ёки печкага нисбатан белгиланган масофада жайланиши уй ичига печка ўрнатишдан аввал унинг мўриси созлигини кўриб чиқиш газ жўмракларига болаларнинг яқин келмасликлари ва уларни ўйнамасликлари қолаверса инсон соғлиги ва ҳаёти учун зарарли ва хатарли бўлган барча нарсалар тўғрисида болаларга даимий ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади

Табиий газ ва ис гази билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлишига билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин;

- табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўладиган ис газининг салбий таъсири;

- хонадонлар иситиш тизимларига табиий газнинг уланишида меъёрий талабларга риоя этилмаслиги

- табиий газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қойдаларига риоя қилинмаслиги

- иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг соз ҳолатда эмаслиги яхши тозаланманлиги ва бошқалар

Хонага табиий газ тўлиб қолганини сезган ҳолатда, зудлик билан қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шомаллатиш;
- хонада электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;
- хонада учун чиқарувчи нарсалардан фойдаланмаслик;
- газ жўмракларни беркитиш;
- жўмракларини беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган синган ва тешилган жойлар аниқланса газ таъминоти авария хизматига хабар бериш.

Табиий газ ва ис гази билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазият юз берса:

- заҳарланган одамга биринчи тиббий ёрдам курсатишни билишимиз;
- «103» – телефон рақами орқали тез тиббий ёрдамга;
- «104» - телефон рақами орқали газ таъминоти авария хизматига;
- «101», «050» -телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар бошқармасига муражаат қилишни ёдда тутишимиз зарур.